

АДОЛАТ



ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

gazeta@adolat.uz

www.adolat.uz

№ 53 (858) 2011 йил, 23 декабрь, жума

Пленум

Етук кадрлар — муваффақият гарови

Бугун жамиятимиз ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришлар, демократик янгиланишларни сиёсий партияларнинг фаол иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, улар омма онги ва тафаккурига ғоявий таъсир кўрсатадиган қудратли ҳамда даъваткор кучдир. Ислохотларнинг янги босқичи, айниқса, сиёсий партиялар зиммасига янгидан-янги вазифалар юкламоқда. Ўзбекистон «Адолат» СДП Наманган вилояти Кенгаши ана шундай масъулиятдан келиб чиқиб, ўз фаолият доирасини кенгайтириш, аҳоли қатламлари орасига чуқурроқ кириб боришга ҳаракат қилаётир. Бунда тарғибот-ташвиқот ишларининг юқори самарадорлигига эришиш асосий вазифа сифатида кўрилмақда.

Давоми 2-бетда ➤



Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллигига

Ватан барчамиз учун муқаддасдир

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон Қуролли Кучлари тизимида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотлар миллий армиямиз сафларини профессионал, пухта тайёрланган кадрлар билан тўлдириш, ўсиб келаётган ёш ватанпарварлик ва эл-юртга муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётир.

— 2007 йилдан буён фаолият юритиб келаётган Тошкент ҳарбий-телекоммуникация академик лицейига бу йили 150 нафар ўқувчи қабул қилинди, — дейди мазкур лицей директорининг ўринбосари Ҳ.Бобоев. — Ҳозирги кунда лицейимизда 448 нафар ўқувчи таълим олмақда. Ўқувчиларга чуқур, профессионал таълим

бериш билан бирга, уларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш — бизнинг бош вазифамиздир.

Лицейда таълим-тарбия ишлари, илгор педагогик ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда, ҳарбий соҳалар ҳамда олий ҳарбий-таълим муассасалари ва олий ўқув юртурларида

ўқишни давом эттиришга йўналтирилган ўқув режалари ва дастурлар асосида ташкил қилинган.

Таълим даргоҳининг кун тартиби ҳарбийча бўлиб, у ҳар бир курс учун алоҳида тузилади. Бу ёшларда профессионал кўникмаларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчиларга 30 нафардан ортик тажрибали устозлар, қарийб 20 нафарга яқин офицер ва сержантлар ихтисосига оид ва умумтаълим фанларидан сабоқ беради.

Лицейда 12 мингдан ортик номдаги китоб фондига эга ахборот-ресурс маркази, турли жиҳозлар билан таъминланган компьютер

кабинети ўқувчилар ихтиёрида. Бу ёшлар учун маънавий оламини бойитиш ва янги ахборот технологиялари билан танишиш имконини беради.

Лицейда Қуролли Кучларимизнинг 20 йиллигини муносиб нишонлаш бўйича маданий дастурлар, мусиқий чиқишлар ва сахна кўринишлари тайёрланмоқда.

Суратда: Тошкент ҳарбий-телекоммуникация академик лицейи ўқувчилари (чапдан) Жаҳонгир Умаров, Журғат Рўзметов, Улмас Ғофуров ва Амрулло Сайфуллаев.

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

Юксалиш йўлининг кафолати

2012 йил — Мустақкам оила йили

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили бўлган 2011 йил ортада қолмоқда. Шунини ишонч билан айтишимиз мумкинки, бу соҳа мамлакатимиз иқтисодийнинг таянчи, ҳалқимиз фаровонлигининг муҳим омилига айланди. Ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини кўпайтиришда мазкур соҳанинг ўрни ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизнинг, бугун кечаётган тинч ва осуда ҳаётимизнинг, эртанги кунимизга бўлган ишончимиз, ҳалқаро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборимиз моҳиятида ҳалқимизнинг кўп асрлик кадриятлари, юксак маънавияти ҳам ётибди.

Яна бир қувончли жойи шундаки, Юртбошимиз томонидан яқинлашиб келаётган 2012 йил республикаимизда «Мустақкам оила йили» дея эълон қилинди. Ҳалқимиз бу тақдирни мамнуният билан қарши олди. Зеро, оилага бўлган бундай эътибор жамиятга бўлган эътибордир. Президентимиз Ислам Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарига таъкидлаганидек, ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, шубҳасиз, оиланинг ўрни бекиёсдир.

Дарҳақиқат, ҳалқимиз азалдан оилага муқаддас даргоҳ, шахс камолотининг бешиги сифатида қарайди. Бинобарин, инсон оила бағрида дунёга келади, ҳаёт ҳақидаги илк тушунарлар шу ерда пайдо бўлади. Мурғак қалбда яхши фазилатлар, эзгу ғоя ва мақсадлар ҳам оиладаги маънавий муҳит туйғули уйғонади.

Шу маънода, юртимизда жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида қаралмоқда. Ху-



сусан, мамлакатимиз Конституциясига «Оила» алоҳида боб сифатида киритилган. Шу асосда Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси ва бошқа қонунларида ҳам ҳалқимизнинг оилага муносабати, ўзига хос қарашлари нуқтаи назаридан тегишли қоида ва меъёрлар белгиланган.

Инсон ҳамиша эзгулик ва яхшиликка, ўз олдига қўйган орзунимларига интилиб яшайди. Бахтли ҳаётга эришишнинг ягона мақсади — бу албатта, унинг мустақкам оиласи, тинч ва осуда ҳаёти, фарзандлар камолотида деб билади. Ҳалқимиз ана шу бахтни ота-онада, умр йўлдошида, фарзандида, бир сўз билан айтганда, оиласининг мустақкамлиги, тинчлиги, аҳил-иноқлигида кўради.

Давоми 2-бетда ➤

Бош Қомусимиз қабул қилинганлигининг 19 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, Ўзбекистон шопчилик илмий тадқиқот институти ҳамкорлигида ташкил этилган «Шоли ва дуккакли дон экинларини етиштиришдаги долзарб масалалар ва уни ривожлантириш истиқболлари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Соғлом рақобат муҳити юзага келди

Анжуман

Ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикасида 2003 йилдан бошлаб шоли маҳсулотига давлат буюртмалари бекор қилинди ва соҳада эркин бозор муносабатлари, соғлом рақобат муҳити юзага келди. Бу эса соҳада ихтиёрийлик тамойилларини келтириб чиқарди ҳамда соҳани янада ривожлантириш учун муҳим туртки бўлмоқда.

— Шоли давлат буюртмаларидан чиқарилгандан буён Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Тошкент, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида шоли етиштириш учун давлат рўхсати берилди, — деди Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари, Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директори Ш.Нурматов. — Шунингдек,

Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё вилоятларининг айрим хўжалиқларида ҳам шоли етиштирилаётган экин майдонларини учратиш мумкин. Ана шу минтақалардаги шоли майдонларини ҳам давлат статистика ҳисоботларига киритилишини ва олинган маҳсулотларнинг умумий кўрсаткичларда акс этишини таъминлаш лозим.


Қайд этилганидек, Республикаимиз бўйича 2015 йилгача ҳар йили асосий экин 150 минг гектар ҳамда такрорий экин сифатида 100 минг гектар майдонда шоли экилиши, бунда асосий экиндан гектаридан 50 центнердан, такрорий экиндан 40 центнердан ҳосилдорликка эришилиши ва йилига камида 1100 минг тонна шоли маҳсулоти етиштирилиши мўлжалланган, бу республикаимиз аҳолиси жон бошига 50 килограммгача маҳсулот тўғри келади, деган гап.

Давоми 2-бетда ➤

Энергетика соҳасида янги ташкилот

Муқобил манбалар

Бугунги кунда мамлакатимизда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда. Соҳада олиб борилаётган ишлар қўламини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Экологик ҳаракати ташаббуси билан «Муқобил ёқил ва энергия корхоналари» Ассоциацияси ташкил этилган эди. Қуни-кеча Экологик ҳаракат, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ва бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида Ассоциация қошида илмий-техникавий Кенгаш иш бошлади. Унинг таъсис йиғилишида республикаимизда муқобил энергия ва ёқилғи турларидан фойдаланишни кенгайтиришда янги ташкилотнинг аҳамияти алоҳида таъкидланди.



Ассоциациянинг янги тизими аънавий энергия захираларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш ҳамда муқобил энергия манбаларини ривожлантириш борасидаги илмий-амалий фаолият билан шуғулланади.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида табиий бойликларни тежаш ва ишлаб чиқариш тармоқларига экологик соф технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани эътиборга молик. Бу борада қабул қилинган дастур ва лойиҳаларда белгиланган вазифалар, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар туйғули атрафмуҳитга салбий таъсирларни камайитиришга эришилмоқда.

Юртимиздаги илмий тадқиқот муассасаларида яратилган қуёш, шамол, биогаз ва бошқа табиий ресурслар асосида ишлайдиган замонавий қурилмалар марказлашган электр таъминотидан узоқда жойлашган аҳолини электр ва иссиқлик манбаи билан таъминлаш, табиий захираларни тежаш, чиқиндиларни камайитириш имконини бермоқда.

Давоми 2-бетда ➤

Адолат ва инсонпарварлик намунаси

Бағрикенглик

Ота-боболаримиз азалдан йиқилганни суюб, одашганга тўғри йўл кўрсатиб келган. Истиқлол йилларида ҳам юртимизда ана шундай инсоний қадриятларга, бағрикенглик тамойилларига эътибор янада кучайди. Бунини амнистия тўғрисидаги ҳужжатлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Олий Мажлис Сенатининг давлатимиз раҳбари тақдимомасига биноан чиқарган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати



билан амнистия тўғрисида»ги Қарори бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Давоми 3-бетда ➤

Соғлом фарзандлар — мустақкам оила таянчи

Маълумки, «Соғлом авлод учун» жамғармаси Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Фриленддорф интернейшнл» халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилалардаги бемор болаларни ихтимоний ва тиббий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳани амалга ошириб келмоқда.



2-бет

Одам савдосига қарши курашда халқаро ҳамкорлик

...Айрим кишилар, айниқса, ёшлар ушбу жинсий қилмишнинг қурбонига айланиб қолмасликлар учун эҳтиёткор бўлишлари, хоржий мамлакатлардан тақлиф этилаётган ҳар қандай иш, хизматлар замирида нималар ётганини ўйлаб кўришлари, нотаниш шахслар билдирган ҳар хил тақлифларга кўр-кўрона ишонмаслик ҳамда уларга ўз шахсий ҳужжатларини бериб қўймастик лозимлигини билишлари керак.

3-бет



Мироблик сероблик демакдир

Ёз фаслида кунботар чоғи ҳовлисига экилган райхонга сув қуйиб, таралган ифтордан баҳра олган ҳар бир инсон ариғига сув ҳайдаб келган миробнинг отасига раҳмат айтиши шубҳасиз, — деди Эргаш Каримов биз билан суҳбатда. — Шунинг учун ҳам дунёда миробликдек савобли ва шарафли касб бўлмаса керак деб ўйлайман. Аммо миробликнинг ҳам ўзига яраша машаққатлари бор. Кўпчилик ўйлаганидек мироблик дарёдан сувни ҳайдаб келиб, кейин уни тақсимлашдан иборат эмас.



5-бет

Партия ҳаёти

Етук кадрлар — муваффақият гарови

Давом. Боши 1-бетда

Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилояти Кенгашининг V Пленумида ҳам худудий партия ташкилотлари олдиде турган долзарб вазифалар, партиянинг кадрлар захирасини мустаҳкамлаш, партия фаолларининг сиёсий билимларини ошириш, "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг V Пленуми қарорларига мувофиқ партиявий-ташқилий фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида, "Адолат" СДП Наманган вилоят партия Кенгашида иш юритиш ва ҳужжатлар билан ишлаш бўйича фаолиятни янада такомиллаштириш борасида ўтказилган мониторинг якунилари тўғрисида", "Навбатдаги бўладиган сайловларга тайёргарлик бўйича Поп тумани партия кенгашининг фаолияти тўғрисида" каби масалалар муҳокама қилинди.

Худудий партия ташкилотлари, Аёллар ва Ёшлар қанотлари вакиллари иштирок этган пленумда маъруза қилган Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилояти Кенгаши раиси Х.Ахмедходжаев ўз сўзида дунёнинг таниқли сиёсатшунос олимлари томонидан алоҳида эътироф этилаётган Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида белгиланган устувор йўналишлардаги вазифалар ижроси сиёсий партиялар зиммасига алоҳида масъулият юклатгани, хусусан, "Адолат" СДПнинг ўз олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда Концепция талабларига мослашиш, шу асосда ўзининг режа ва дастурларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо

этабтанлигини таъкидлади.

— Биз ўз партиявий-сиёсий, ташқилий фаолиятимизни Концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалар асосида амалга оширишда, айниқса, партия гояларини тарғиб қилиш, жамоатчилик орасидаги маъқеани кўтаришда янги замонавий услубларни қўллаш борасида изчил изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, вилоят Кенгаши томонидан кўш нуридан электр энергияси олишда инновацион технологияларнинг афзалликларини кенг тарғиб қилинаётгани эътиборга молик. "Энг яхши бизнес гоя" танловининг республика босқичида вилоятимиз ваҳили Хакима Тўрабоевнинг II ўрини эгаллаши, Наманган Мухандислик технология институтининг иккита лойиҳаси турли танловларда ғолиб чиқиб, грант соҳибига айлангани бунинг яққол намоёнидир.

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" давлат Дастури ижроси доирасида ҳам қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Бу борада вилоятнинг қатор туман ва шаҳарларида ёшлар ва талабалар иштирокида турли тадбирлар, танлов ва шоулар ташкил этилди, — дейди маърузачи.

Пленумда таъкидланганидек, кадрлар захирасини мустаҳкамлаш, аппарат таркибига интеллектуал салоҳияти юқори ёш кадрларни жалб этиш, худудий партия ташкилотларидаги тарқибий ўзгаришлар вилоятда "Адолат" СДП фаолиятининг бирмунча орттишига олиб келди. Хуллас, тарафдорлар сафини кенгайтириш, улар ишончини қозониш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда.

Аммо кўлга киритилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ҳам йўқ эмас. Ижро интизоми, режалаштириш, иш

юритиш ва ҳужжатлар билан ишлаш, кадрлар малакасини ошириш борасида муаммолар шулар жумласидандир. Айрим туман кенгаши эса аъзолик бадалларини тўплаш борасида сустшликка йўл қўймоқдалар. Партия вилоят Кенгашининг Халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгаши депутатлари билан ҳамкорлигини етарли деб бўлмайди. Аҳолини ўйлантираш муҳим масалалар бўйича ижро ҳокимиятига сўрономалар киритиш ёки уларни сессиялар кун тартибига олиб чиқишда ҳам фаоллик етишмаяпти.

Кун тартибидеги иккинчи масала юзасидан сўз олган Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари З.Ахмедходжаева Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилоят партия кенгашида иш юритиш ва ҳужжатлар билан ишлаш бўйича фаолиятни янада такомиллаштириш борасида ўтказилган мониторинг якунилари тўғрисида маълумот берди.

Мамлакатимизда кенг миқёсда ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар амалга оширилаётган бир пайтда сиёсий партиялар фаолиятига бўлган қизиқиш ва эътибор ҳам кундан-кун ортиб бормоқда. Бу ҳолат эса ўз навбатида сиёсий партияларнинг мафкуравий ҳамда ташқилий партиявий жиҳатдан доимо такомиллашувини талаб этади. Шу боис, Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг барча бўғинидаги тузилмаларида иш юритиш ва ҳужжатлар билан ишлашда фаолият самарадорлигини янада ошириш ҳамда ижро интизоминини мустаҳкамлаш устувор вазифа бўлиб қолаверади.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилоят Кенгаши ижроқўмитининг 2011 йил 25 октябрдаги йиғилиши қарорига асосан,

лишини, энг муҳими, ҳар бир партия аъзоси илгер позицияда туриши, партиянинг таянч нуқтаси бўлган бошланғич ташкилотларда ҳам ҳақиқий жонбозлик кўрсатилишини талаб этади. Турғи, шаҳар ва туман кенгашиларидаги депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлантиришда ижобий натижалар кузатила-япти.

Таъкидланганидек, баъзи худудларда маҳаллий кенгаши сессияларига киритилётган масалалар муайян муаммоларни ҳал этиш имконини берапти. Тан олиш керак, кадрлар танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, ишни ташкиллаштириш масалаларида ҳам муаммолар сақланиб қоляпти. Бир қарашда оддий бўлиб кўринаётган бундай масалаларни ҳал этмай туриб қўйилган натижаларга эришиб бўлмайди.

Шунингдек, пленум иштирокчилари вилоят Кенгаши раиси ўринбосари Х.Бобоқулловнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили давлат Дастури ижросини таъминлашда Ўзбекистон "Адолат" СДП шаҳар, туманлар кенгашиларининг фаолияти тўғрисида"ги маърузасини ҳам тингладилар.

Қўрилган масалалар юзасидан сўзга чиққанлар билдирилган фикр-мулоҳазаларни қўллаб-қувватлаб, иш самарадорлигини ошириш учун партия ҳар бир аъзосининг иштирокини кўнатириш зарурлигини айтиб ўтишди.

жадвал асосида туманлар фаолияти ўрганиб чиқилганида олдинлари ҳужжат юритишда камчиликларга йўл қўйган Янгиқўрган, Тўрақўрган, Учқўрган туманларидаги партия Кенгашиларидаги аҳвол яхши томонга ўзгарган.

Кун тартибидеги учинчи масала юзасидан сўзга чиққан "Адолат" СДП Поп тумани кенгаши раиси ўринбосари М.Жўраев бўлиб ўтадиган навбатдаги сайловларда фаол иштирок этиш мақсадида партия ташкилоти қизгин тайёргарлик ишларини олиб бораётганини таъкидлади. Партиянинг вилоят Кенгаши томонидан бўлажак сайловларда қўллаш учун вакиллик органларининг барча гуруҳларига стратегик ва тактик дастурини ишлаб чиқиш бўйича вазифалар белгилаб олинган. Табиғийки, бўлғуси сайловлардаги муваффақият ҳар томонлама етук, ўз маслагага содиқ кадрлар захирасини талаб этади. Шу нуқтаи назардан "Адолат" СДП барча бўғинларида фаолият олиб бораётган ходимларининг сиёсий-ҳуқуқий билиминини мунтазам ошириш ва одамларни ўз ортидан эргаштира оладиган лидерларни тарбиялашга эътиборни кўнатиримоғи лозим. Зеро, Юртбошимиз Концепциясида илгари сурилган устувор мақсадлар ҳам биздан шуни талаб этапти.

Пленумда ташқилий масалалар ҳам қўриб чиқилди ва партия Вилоят Кенгаши таркибига қисман ўзгартиришлар киритилди. Кун тартибига қўйилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Наманган вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Пленумда ташқилий масалалар ҳам қўриб чиқилди, вилоят партия Кенгаши аъзолари таркибига ўзгартиришлар киритилди.

"Адолат" СДП вилоят Кенгаши ташаббуси билан "Жанубгаз-таъминот" унитар корхонасида Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" китоби — истиклол тарихининг муҳим манбаи" мавзусида давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Қарши давлат университети доцентлари Эшқобил Абдурахмонов, Гулчехра Содикова, маҳаллий Кенгашилардаги депутатлик гуруҳи раҳбари Абдуқаҳор Ахмедов, партиянинг Қарши шаҳар Кенгаши раиси Руьиддин Раупов ва бошқалар асарнинг мазмун-моҳияти, тарихан қисқа даврда давлатимиз эришган ютуқ ва муваффақиятлар, босиб ўтган гоят мураккаб ва шарафли мустақил тараққиёт йўлида қандай синов ва машаққатлар энгиб ўтилганлиги хусусида маърузалар қилдилар.

Давра суҳбати очиқ мулоқот шаклида ўтди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олиш билан бирга, фикр-мулоҳазаларини ҳам ўртага ташлашди. Бундай тадбирларни ҳар бир туманда ўтказишга келишиб олинди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қашқадарё вилояти Кенгаши матбуот хизмати.



Юксалиш йўлининг кафолати

Давом. Боши 1-бетда

Аслини олганда ҳам мустаҳкам оила юрт ободлиги, равнақи, озод ва обод Ватан қуриш йўлидаги муҳим омилидир. Президентимиз сўзлари билан айтадиган бўлсак, "Азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият муҳассам".

Бу фикрлар ижтимоий йўналиштирилган бозор иқтисодиёти, демократик ҳуқуқий давлат, кучли, адолатли фуқаролик жамия-

тини барпо этиш, маънавий жипслашган жамиятни шакллантириш жараёнларида ўз ролини кўнатиришни мақсад қилган "Адолат" СДП гояларига ҳам ҳаммаандир. Зотан, оила мустаҳкамлиги унинг иқтисодий ва ижтимоий асосларига тўғридан-тўғри боғлиқ экан, бу қабул қилинадиган қонунлар, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, маҳалла ролини янада ошириш, аёллар шароитини янада яхшилаш, ёш авлод соғлигини сақлаш, уларнинг маънавий баркамоллигини таъминлашда барча бўғиндаги сафдошларимиздан фойдаланиш талаб этади. Ишонимизки, мустаҳкам оила йилида фуқарола-

римизнинг, оилаларнинг турмуши фаровон, унинг мустаҳкамлиги барқарор бўлади. Юртбошимиз алоҳида таъкидлаб ўтганидек, биз ишонч билан олға бормоқдамиз. Олдинда забт этиладиган янги-янги довлонлар, янги-янги муваффақиятлар турирди. 2012 йилнинг Мустаҳкам оила йили деб эълон қилиниши бизни келгусида эришиладиган ана шу юксалишларимиз кафолати сифатида қувонтиради, албатта.

Тошпўлат МАТИБАЕВ,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати.

Энергетика соҳасида янги ташкилот

Давом. Боши 1-бетда

Ушбу масалага бағишлаб ўтказилган тадбирда таъкидланганидек, Ўзбекистонда мамлакатнинг ўзиде ишлаб чиқарилаётган энгил автомобиллар, қишлоқ хўжалиги техникалари ва автотранспортнинг бошқа турларини ёқилгининг муқобил турларига ўтказиш борасидаги тажрибалар муваффақиятли ўтказилган ва мазкур соҳада давлат стандартлари ҳам қабул қилинган. Мутахассислар берган маълумотларга қараганда, 2011 йилнинг 1 декабригача тахминан 300 мингдан зиёд автотранспорт воситалари газ мосламасига ўтказилган, бу умумий қиймати 26 миллиард сўмлик 13 минг тоннага яқин нефть маҳсулотларини тежаш ҳамда за-

рарли чиқиндиларнинг атмосферага чиқарилишини 30 фоизга қисқартириш имконини берган.

Таъкидлаш керакки, сўнги пайтларда республикамизда қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқариш билан машғул корхоналар, шу жумладан, қўшма корхоналар сони ошиб борапти. Ўз навбатида ишлаб чиқарилаётган электр энергиянинг умумий ҳажмида кўш ва шамол энергиясининг салмоғи ортиб бораётгани қувонарлидир.

Мазкур соҳани янада ривожлантириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси ҳамда Экологик ҳаракат депутатлик гуруҳи соҳага оид янги қонун лойиҳа-

сини ишлаб чиқмоқдалар. Шунингдек, муқобил энергетикани ривожлантириш Миллий стратегияси ва Давлат дастурини яратиш масаласи ҳам кун тартибиде.

Маълумки, мамлакатимиз бутун дунёда "серкўш Ўзбекистон" номи билан танилган, шу боис, кўш ва шамол энергияларидан фойдаланиш имконияти жуда юқори.

Илмий-техникавий Кенгаши йиғилишида таъкидланганидек, бу борада янги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада тараққий этишига ва аҳоли фаровонлигини ошишига қизмат қилади.

Мафтуна МИНГБОЕВА.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдаги Пленумида партия аъзолари, шаҳар, туман кенгашлари раислари, маҳаллий Кенгаши депутатлари, Фуқаролик жамиятини шакллантириш мониторинги бўйича мустақил институт ходимлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Вилоят партия Кенгаши раиси А.Ахмедов "Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси электротат манфаатларини ифодалаш, химоя қилишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларидаги партия гуруҳлари иш фаолиятини кўнатириш юзасидан вилоят, шаҳар, туманлар партия кенгашларининг вазифалари тўғрисида" маъруза қилди.

— Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"нинг яратилиши, шубҳасиз, ўтган давр мобайнида ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар, давлатчиликнинг ривожланиши ва фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида фуқаролар сиёсий онгининг ўсиши билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу масъулиятни давр биздан, яъни, ҳар бир партия аъзоси, у депутат бўладими, бошланғич ташкилот аъзосими, ўз худудда ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, бир сўз билан айтганда, ислохотларнинг энг фаол иштирокчисига

айланишни талаб этади. Зеро, сайловлар даврида сайловчилар сиёсий партиялар номзодларига улар томонидан илгари сурилган гоя ва мақсадларга қараб овоз берганлар. Муайян вақт ўтгач эса ҳар бир сайлов ўз оруз-умидини ана шу партиядан сайланган депутатлар орқали амалга оширилганини кўришни хоҳлайди, — деди маърузачи. — Хўш, бу борада халқ депутатлари маҳаллий Кенгашилардаги депутатлик гуруҳлари қандай ишларни амалга оширмоқдалар? Депутатларимизнинг бутунги фаолияти Концепция талабларига тўла жавоб бераётганими? Маҳаллий кенгашлардаги депутатлар ҳам у ёки бу маҳаллий раҳбар ҳисоботи ёхуд ахборотини сессиялар кун тартибига дадил кирита олаётганими? Афсуски, бугун ана шундай саволларга ҳар доим ҳам ижобий жавоб қайтариш қийин. Бу эса партия ташкилотлари билан маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашни, шаҳар, туман партия кенгашиларида изчил ишлар олиб бори-

Соғлом рақобат муҳити юзага келди



Давом. Боши 1-бетда

Мутахассисларнинг қайд этишига кўра дуккакли дон экинларидан соя ва мош оқсил танқислигини ечишда аҳамияти катта бўлиб, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва оширишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Охириги йилларда кўпчилик хўжаликларда беда алмашлаб экиш тизимининг бузилиши ва натижада тупроқ унумдорлигининг пасайиб кетиши хосилдорлигининг сезиларли даражада камайишига олиб келмоқда. Шунинг учун дуккакли экинларни тупроқ унумдорлигини тиклашда қўллаш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Конференцияда бу борада қилинган ишлар ва ўз ечимини кутаётган масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон "Адо-

лат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси И.Саифназаров Конституциямиз ва унинг жамиятда, фуқаролар ҳаётида тутган ўрни ҳақида сўз юритиб, Ўзбекистон "Адолат" СДП мақсад ва масалаларини рўйбга чиқариш, партия гояларини кенг халқ оmmas орасида тарғиб қилиш, унинг обрў эътиборини, куч-қудратини юксалтириш борасидаги фаолликларни, фидоқорона ва самарали илмий-амалий фаолиятлари учун бир гуруҳ шогирдларини Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг фахрий ёрликлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирлади.

Конференцияда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан тўлиқ жавоб олдилар.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти Кенгаши матбуот хизмати.



Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, соғлом ва барқамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгиланди. Ўтган йиллар довомида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган изчил ислохотлар самараси ўлароқ оналик ва болалиқни химоя қилишнинг яхлит тизими яратилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини кенгайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Маълумки, "Соғлом авлод учун" жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Фриденздорф интернейшнл" халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилалардаги бемор болаларни ижтимоий ва тиббий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳани амалга ошириб келмоқда. Туғма нуқсонли бор болаларни соғломлаштиришга оид ушбу

ҳамкорлик тадбирлари доирасида хозирги кунда 11 нафар 1 ёшдан 12 ёшгача бўлган бемор болалар Германия клиникаларида даволаниши давом эттирмоқда. Яқинда улардан уч нафари даволаниб, юртимизга қайтди.

— Ўғлим Мафтулбекнинг оёғидаги туғма нуқсонини даволатиш учун 2008 йилда "Соғлом авлод учун" жамғармасининг вилоят бўлимига мурожаат қилган эдик, — дейди Навоий вилояти Навбахор туманида яшовчи Абдуваҳоб Жумабоев. — Жамғарманинг кўрсатган ёрдами билан ўғлим иккинчи марта Германия клиникаларида даволаниб қайтди ва унинг соғлиги анча тикланди. Фарзандларимиз саломатлигини асрашга давлатимиз томони-

дан кўрсатилаётган бундай юксак эътибордан гоят мамнунимиз.

— Жамғарма томонидан Германиянинг "Фриденздорф интернейшнл" халқаро ташкилоти билан ҳамкорлик доирасида жорий йил давомида 20 нафар болалар мазкур давлат клиникаларига юборилди, — дейди "Соғлом авлод учун" жамғармасининг оналик ва болалиқни химоя қилиш бўлими бошлиғи Жумабек Нуоров. — Шунингдек, мазкур ташкилотнинг грант маблағлари эвазига жорий йилнинг ўтган даври мобайнида республика бўйича жами 430 нафар туғма лаб танглай нуқсонли, туғма оёқ нуқсонли бўлган 15 ёшгача бўлган болалар мамлакатимиз шифохоналарида замонавий жаррохлик усулида даволанди. 2012 йилнинг февраль ойи ўрталарида яна 7 нафар бемор болалар даволаниш учун Германияга юборилиши кўзда тутилмоқда.

Илёс САХАТОВ,
«Adolat» мухбири.

**БУХОРО НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ
ЖАМОАСИ**

Жаннатмонанд

**Ватанимиз халқини кириб
келаётган 2012 йил
билан қутлайди!**

Янги йил республикамиз солномасига
зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган
йил бўлиб қолишини тилаймиз!

"URGANCH YOG" ОАЖ ЖАМОАСИ

яқинлашиб

келаётган янги

2012 йил

билан

юртдошларимизни

ини қалбдан

қутлайди.

*Янги йилда дастурхонларимиз
янада шўкин, шурмушимиз янада
фаровон, оилаларимиз янада
муштаҳкам бўлишини шилаб қоламиз!*

Олий қадрият ҳимояси

Миллий марказ фаолияти мезонига айланган

Халқаро конференция

Пойтахтимиздаги Халқаро Бизнес-марказида "Инсон ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимояси миллий тизимини барпо қилишда халқаро-ҳуқуқий андозалар ва Ўзбекистон таъриби" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Тадбир Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан ЕХТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалар координатори ва Ф.Эберт жағфармасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, манфаатдор вазирликлар, илмий ва таълим муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналар ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлигидан келиб чиқадиган янги халқаро принциплар ва нормаларга асосланган ҳуқуқий ҳудуд яратилди. Мамлакатда инсон ҳуқуқлари соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий механизми шакллантирилган бўлиб, у мунтазам такомиллаштирилиб борилмоқда ҳамда ўзаро ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик асосида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини қамраб олган.

Мамлакатимизда демократик ривожланишнинг энг муҳим хусусиятларидан бири, — деди Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов, — халқаро ташкилотлар тавсиялари асосида инсон ҳуқуқлари бўйича турли миллий институтларни яратиш бўлди. Улар мамлакатнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини бажаришга қўмақлашмоқдалар.

Мазкур институтлар аниқ ва кенг қўламли юридик ҳуқуқий объект ҳамда мустақил ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари асосида фаолият юротида, фуқаролар учун очик бўлиб, давлат органлари, миллий ННТ ва халқаро ташкилотлар билан кенг ҳамкорликни амалга оширади.

Марказ фаолияти давомида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларни масалалари бўйича ўз халқаро мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисидаги 30 га яқин миллий маърузаларни тайёрлаб, халқаро шартномавий органларга кўриб чиқиш учун тақдим этди. Инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича 100 дан ортиқ қонун лойиҳаси экспертизасини амалга оширди. Инсон ҳуқуқларининг халқаро-ҳуқуқий хусусиятлари бўйича 2000 дан ортиқ тўплам ва китобларни тайёрлаб нашрдан чиқарди, миллий ва халқаро тузилмалар шу жумладан, соҳадаги миллий тадқиқотлар бўйича Илмий-мувофиқлашти-

рувчи кенгашининг самарали тизимини шакллантирди.

Иштирокчилар ташкил этилганлигининг 15 йиллигини нишонлаётган Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рағбатлантириш, уларга риоя этиш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятларини мувофиқлаштиришга йўналтирилган идоралараро хусусиятли кенг ваколатларга эга эканлигини кўрсатиб ўтдилар.

Конференцияда сўзга чиққан инсон ҳуқуқлари бўйича Словения Омбудсманининг ўринбосари Корнелия Марзел, Дания инсон ҳуқуқлари бўйича институти катта маслаҳатчиси Пол Далтон, Словакия инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказининг маслаҳатчиси Барбара Остеровча, Шотландиянинг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясининг маслаҳатчиси Брюс Адамсон ва миллий экспертлар инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни янада ривожлантириш, улар фаолиятига Париж принципларини жорий этиш, бу институтларнинг қонунийлик ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга таъсирини кучайтириш, шунингдек, БМТ ва халқаро институтларнинг тузилмалари, минтақавий ташкилотлар, мамлакатларнинг миллий институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидладилар.

Ийгилик сўнггида "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" қоидаларидан, хорижий ва миллий экспертлар томонидан билдирилган таклифлардан келиб чиққан ҳолда қатор тавсиялар ишлаб чиқилди.

Нурбек АБДУХАЛИЛОВ, «Adolat» мухбири.

Мулоҳаза

Яқинда тиббиёт поликлиникасида болалар шифокори бўлиб ишлайдиган ўртоғимнинг ёнига бордим.

— Бунча беморларингиз кўп бўлмаса? — дедим навбат кутиб турганларга ишора қилиб.

— Ўртоқжон, ҳозир одамларнинг тиббий маданияти юксалди. Улар фақат касал бўлишганидагина шифокорга мурожаат қилишмайди. Буларнинг кўпчилиги болаларини шунчаки кўриқдан ўтказиш учун, баъзи бировлари эса маслаҳат олиш учун келишган.

Бу гапдан кўнглим анча равшан тортиди. Киши ўз саломадлиги тўғрисида олдиндан қайғургани яхши-да. Ўртоғим таъкидлаганидек, ҳозирда фуқароларимизнинг нафақат тиббий маданияти, балки уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ҳам сезиларли даражада ортиб бораёпти. Бунинг исботини ўзим меҳнат қилаётган нотариал идораларга бўлаётган мурожаатлардан ҳам билса бўлади. Бугун фуқароларимиз аввал-

Ислохотлар инсон омили учун

де, бировларнинг ёлгон ваъдаларига ишониб иш қўриб, кейин пушаймон бўлиб юрадиган фуқаролар эмас. Энг аввало, ўз хатти-ҳаракатлари амалдаги қонун меъёрлари талабига мос келиш-келмаслиги, бу борада уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва мажбуриятлари нималардан иборат эканлиги ҳақида бош қотиришади. Шу боис бўлса керак, бугун улар бизнинг муассасамизга ҳам нафақат нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун, балки ижобий кўринишларнинг асл мазмун-моҳияти эса юртимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар на-

тижасида юзага келаяпти, десаки сира янглишмаган бўламиз. Янада соддароқ қилиб айтсам, "Инсон — ислохот учун эмас, ислохотлар — инсон учун", деган тамойил асосида олиб бораётган саъй-ҳаракатлар барча жабҳаларда ўз самарасини кўрсатмоқда. Бу фикрларимизнинг исботини ҳар бир юртдошимиз ўзининг кундалик турмушида кўриб, гувоҳи бўлиб турибди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳар бир саъй-ҳаракат, қабул қилинаётган қарор ва фармонлар негизда фуқароларимизнинг манфаатлари муҳимасам. Асосий мақсад эса халқимизнинг тинч-тотув, эмин-эркин умр кечириши учун етарли имконият, уларнинг ўз эҳтиёжи учун зарур бўладиган моддий ва маънавий бойликлардан тўла-тўқис фойдаланишлари учун етарли шарт-

шароит яратиб беришга, том маънода айтадиган бўлсак, бу муқаддас Ватанда инсоннинг буоқ ва муқаддас эканлигига қаратилган.

Айниқса, Юртбошимизнинг "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"даги устувор йўналишларда белгилаб берилган вазифалар ижроси юртимизда демократик ўзгаришларни янада жаддаллаштириш, аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини янада оширишга, фуқаролик жамияти куриш йўлида эришилган ютуқларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Дилобар БОЗОРОВА, Бухоро шаҳар 1-сон Давлат нотариал идораси нотариуси.

Реклама ўрнида



Пойтахтимиздаги "PSM GROUP" ОАЖ улгуржи ва чакана савдо фаолияти билан бир қаторда турли йўналишларда, хусусан печенье, пропилден қоплар, гигиена воситалари ҳамда оёқ кийим маҳсулотларини хорижий юқори

технологиялари асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Ушбу жамоа ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифати ва хариддорболлиги туфайли истеъмолчилар эътиборини тезда қозонди. Шу боис бўлса керак, бир қанча халқаро, ма-

ҳаллий кўргазмаларда турли номинацияларда олтин медаль ва дипломга сазовор бўлиб келаётир.

Ғ.ХИДИРОВ олган суратлар.



Мироблик сероблик демакдир

Реклама ўрнида

Шу кунларда мамлакатимиз ирригаторлари мавсумий тадбирларни амалга ошириш ишларига астойдил киришган. Бу бежиз эмас, албатта. Ахир деҳқончиликда юқори натижаларга эришиш, дастурхонимизнинг янада тўқин, ҳаётимизнинг янада фаровон бўлиши каналу ариқларимизда обихоётнинг сероблиги ва равои окшишига ҳам боғлиқ. Она заминимизнинг қон томирлари бўлган канал ва ариқлар ўз вақтида лойқою қамишлардан тозаланиб турилса зилол сув шарқираб оқади. Ана шунда миллионлаб гектар майдонларда парварши қилинадиган экинларимиз баровж ўсиб, меҳнатимизга яраша ҳосил беради, рўзгор обод, оила мустаҳкам бўлади.

Хоразмлик ирригаторлар ҳам айна кунларда ана шундай мақсад ва муддаолар билан меҳнат қилишмоқда. Вилоят бўйича 2012 йилда мўл ҳосил етиштириш учун кузги-қишки мавсум давомида 588,8 км. узунликдаги ҳўжаликлараро каналларни лойқадан тозалаш, улардаги тўқсонга яқин гидрошоот ва саксонга яқин гидростанларни таъмирлаш ишлари режалаштирилган. Ушбу тадбирларни Қўйи Амударё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тасарруфида бўлган виллоятдаги тўртта ирригация тизимлари бошқармаси ва сув ҳўжалигида пудрат ишларини бажарувчи бешта давлат унитар корхонаси амалга оширмоқда.

Минг эшитгандан бир кўрган афзал дейишади. Вилоятда соҳа захматкашлари фаолиятини ёритишни ният қилиб ариқ ёқаладик. Бизга Полвон — Ғазовот ирригация тизими бошқармаси бошлиғи Омонбой Султонов ҳамроҳлик қилди. Сувчилик илмини яхши биладиган, олий маълумотли, сермулоҳаза мутахассис. Омонбой ака ташкилот тўғрисида маълумот бераркан, қўйидагиларни таъкидлаб ўтди: — Бошқармамиз олтига туманининг 62421 гектар экин майдонларини сўғоришга хизмат кўрсатади. Жорий йилги сўғориш мавсумида виллоятимизда

сув танқислигининг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида тадбирлар ишлаб чиқилиб, туманларда сўғориш ишларини назорат қилиш мақсадида фермер ҳўжаликларга сув ҳўжалиги ташкилотларидан жами 158 та масъул ҳосил бириктирилди. Биз асосий сув манбамиз ҳисобланган Амударёнинг қўйи оқимида турамыз. Шу боис, ишонч билан айтишимиз мумкинки, сув танқис бўлган ушбу йилда обихоётни ҳисоб-китоб билан сарфладик. Сувдан самарали фойдаланиш мақсадида фермер ҳўжаликлари майдонларидаги экинларни тўлиқ шарбат

билан ва асосан тунда сўғориш йўлга қўйилди. Натижада сув сарфини анча иқтисод қилишга эришдик.

Бошқарма фаолияти билан таъинишда давом этамыз. Бизга пешвоз чиққан кишини Омонбой ака каналлар бошқармасининг Полвон — Ғазовот бўлими 67-гидроузели бошлиғи Зарифбой Оллоберганов дея таништирди.

Биз иншоот тарихи билан қизиқдик. — Мазкур сув тақсимлаш иншооти 1966 йилда ишга туширилган. Секундига 100 куб метр сув ўтказиш имкониятга эга. Мана шу сув тақсимлаш иншоотидан Полвон, Ғазовот ва Кенасас каналлари ажралиб чиқиб, виллоятнинг учта туманидаги 61250 гектар майдонни сув билан таъминлайди, — дейди Зариф ака.

Ирригатор Эргаш Каримов ҳам мироблар оиласининг вакили. У ота касбинин давом эттириш учун Тошкент Ирригация муҳандислари институтида таҳсил олиб, 1999 йилдан шу соҳада меҳнат қилмоқда. Ҳозирда Хива ва Қўшқўпир туманларини сув билан таъминлайдиган "Зей-Еп" каналининг бош сув тақсимлаш иншоотида фаолият кўрсатмоқда.

— Ёз фаслида кунботар чоғи ҳовлисига экилган райхонга сув

қўйиб, таралган ифдордан баҳра олган ҳар бир инсон ариғига сув ҳайдаб келган миробнинг отасига раҳмат айтиши шубҳасиз, — деди у киши биз билан суҳбатда. — Шунинг учун ҳам дунёда миробликдек савобли ва шарафли касб бўлмаса керак деб ўйлайман. Аммо миробликнинг ҳам ўзига яраша машаққатлари бор. Кўпчилик ўйлаганидек мироблик дарёдан сувни ҳайдаб келиб, кейин уни тақсимлашдангина иборат эмас. Бу йилгига ўхшаб сув танқис бўлган пайтларда қонуннинг кўнглини бирдек ололмайсан. Чунки ҳар бир қатра сув ҳисоб-китоб билан ишлатилмаса ҳўжасизлик келиб чиқади.

Омонбой Султонов билан виллоятдаги ирригация тармоқлари иншоотларини айланар эканмиз, катта йўл бўйида жойлашган дала бошида қизгин иш билан машғул бўлган бир гуруҳ одамлар ёнида тўхтадик.

— Булар бизнинг "дукчилар"имиз, улар дала бошидаги қўлқолларни бетонлаштиришгапти, — дея изох берди Омонбой ака.

Бизнинг ажабланиб, "Дукчи" деганингизни қандай тушунасиз бўлади?" деган саволимизга "Қўшқўпирдамаҳсулсусуводрат" Давлат унитар корхонаси раҳбари Хайитбой Рўзметов аниқлик киритди.



— Бизнинг ташкилотимиз давлат унитар корхонаси шаклида ташкил қилинган. Асосан сув ҳўжалигида пудрат ишларини бажарамиз. Ҳамкасбларимиз бизни қисқалга қилиб "дукчилар" деб қўяқолишади. Жамоамизда 76 нафар киши иш билан банд. Қўшқўпир, Хива ва Хонқа туманларига хизмат кўрсатамыз. Корхонамизда 13 та экскаватор мавжуд бўлиб, шун-

дан тўққизтаси замонавий техникалардир. Жорий йилда даслатур бўйича 2 миллиард сўмлик коллектор-қазич ишларини бажариб, ерларимизнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга эришдик.

Полвон — Ғазовот ирригация тизими бошқармасига қарашли замонавий экскаваторни бошқараётган Ҳамид Отабоев ҳам ўз касби билан фахрланади. Ҳамид Отабоевни суҳбатга тортдик.

— Болалигимда қишлоғимиз биқинидан ўтган захариқни қазичи экскаватор келганида ўртоқларимиз билан томошага чиқар эдик, — дея гап бошлади суҳбатдошимиз. — Ҳозир болалигимда кўриб ҳавас қилганим эски шалдирак экскаватордан мутлақо фарқ қиладиган янги замонавий техникани бошқараяпман. Экскаваторимнинг ичида барча шароит муҳайё.


Вилоятда мазкур тизимда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар орасида Ҳамид Отабоев каби касбига фидойи инсонлар кўплаб топилди. Шу боис, хоразмлик ирригатор ва мелиора-

торлар ҳар йили ўз олдларига қўйилган вазифаларини уддалаб келишмоқда. Омонбой Султонов билан қош қорайғунча хоразмлик ирригатор ва мелиораторларнинг фаолияти билан имкон даражасида танишдик. Уларнинг режалари, орзу-хаваслари билан ўртоқлашдик. Суҳбатимиз якунида Омонбой ака соҳани янада ривожлантириш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги ўз фикрларини билдирди.

— Бизда касбимизга фидойи, билимдон мутахассисларга эҳтиёж катта. Мироблик масъулиятли касб. Ахир сув келтирган элда азиз. Қолаверса, мироблик аслида сероблик ҳам дегандир. Сув маъсаласига келсак, оққан дарё оқмай қолмайди. Эртанги кундан умидларимиз улкан. Дарёларимиз тўлиб-тошиб оқиши шубҳасиз.

Биз хоразмлик меҳнаткаш ирригаторларнинг ишларига ривож, уларнинг барча эзгу ниятлари эса ихобат бўлишини тилаб қоламиз.

Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ.



Табрик

**«ЎЗУЛГУРЖИСАВДОИНВЕСТ»
«ХОНОБОДТАЪМИНОТСАВДО»
МЧЖ ЖАМОАСИ**

мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча фуқароларни

Янги йил билан
чин дилдан табриклайди.

*Ватанимиз тараққиёти,
халқимиз фаровонлиги ва юртимиз
тинчлиги бардавом бўлсин.*

2012 йил орзулар ушаладиган йил бўлсин!



**Фарғона шахридаги
«ORIYAT NAFOSAT»
хусусий фирмаси**

Сизларни
кириб келаётган
янги — 2012 йил
билан самимий
табриклайди.

Янги йил ҳам
барча соҳаларда
улкан зафарлар
йилига айлансин.

Юртимиз обод,
хаётимиз
бундан-да
фаровон бўлишига
тилақдошмиз.



**«ДАНҒАРА
ИНВЕСТ
САВДО» МЧЖ
ЖАМОАСИ**

Ўзбекистон халқини
**«Мустаҳкам оила йили» деб эълон
қилинган янги — 2012 йил
билан самимий муборақбод этади.**

*Янги йил сизга бахт-иқбол, хонадонингизга
файз-бароқа, юртимизга хотиржаамлик
ва фаровонлик олиб келишини тилаб қолади.*



**САМАРҚАНД СИНОВ ВА
СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ
ДАВЛАТ КОРХОНАСИ
ЖАМОАСИ**

юртимиз иқтисодий салоҳиятини
юксалтириш йўлида фидокорона меҳнат
қилаётган барча ҳамюртларимизни

Янги йил байрами билан
қизгин табриклайди.

*Янги йил
улкан
муваффақиятлар
ва зафарлар
йили бўлсин!*



«Чорва-озуқа» МЧЖ — тармоқ ривож жонкуяри

Реклама ўрнида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кўчатириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори Қўшқўпир туманидаги «Чорва-озуқа» МЧЖ жамоасига озуқа таъминотини яхшилаш ва гўшт ҳамда сўт маҳсулотлари етиштириш йўлидаги сарф-хароқатларга муносиб хисса кўшишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Жамият ўз низомига асосан аҳолига ва фермер хўжалиқларига шрот, шелуха ҳамда омухта ем маҳсулотлари тақсимолини қатъий йўлга қўйган. Мажмууд 12 та шохобча замонавий назорат касса машиналари ва электрон тарозилар ҳамда тўлов терминаллари билан тўла таъминланган бўлиб, истеъмолчилар учун алоҳида ахборот бурчаклари ташкил этилган. Ўтаётган йилнинг ўтган даври мобайнида истеъмолчилар мазкур МЧЖ томонидан 2542,6 тонна шрот, 2164,4 тонна шелуха, 79,17 тонна омухта ем билан таъминланди.

Йил бошида белгиланган бизнес режага кўра бу ерда Давлат дастури доирасида Хитой давлатидан сутни қайта ишлаш технологиясини келтириб, завод куриш кўзда тутилган. Шунга кўра, завод биноси ҳозир тўла куриб битказилиб, сўнгги монтаж ишлари жадал кетмоқда. Бунинг учун 124 миллион сўм маблағ конвертация қилинди. Кўплаб янги иш ўринлари яратилди. За-

монавий хўжалиқ билан ускуналанган зооветеренария пункти ва дорихоналар вуҳудга келди. Авваллари озукани махсус шохобчаларга ва истеъмолчиларга етказиш ҳамда сотишда турли хил транспорт воситаларидан фойдаланилган бўлса, жорий йилдан бошлаб, туман автоторхонаси билан тузилган шартномага мувофиқ тегишли транспорт воситалари орқали етказиб берилмоқда. Бу эса озуқа ва ем тарқатишнинг аниқ жадвал асосида ташкил этилишини таъминлапти. Хуллас, жамият чорвадорлари бу йилги киш «қиличи» дамига бўш келмай, аҳолига ва фермер хўжалиқларига озуқа ҳамда емнинг барча турларини вақтида, тўла, сифатли етказиб бериш уйдасидан муваффақиятли чиқибди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантиришга қаратилган эътибор — Қўшқўпир «Чорва-озуқа» масъулияти чекланган жамият ишчи-хизматчиларига фаолият турини кўпайтириш, ишлаб чи-

қариш ва иқтисодий салоҳиятни барқарорлаштириш, пировардида, нафақат туманда, балки вилоятда тармоқ маҳсулотлари салмоғи ошишига муносиб хисса кўшиш имконини бермоқда.

Эсингизда бўлса, Президентимиз бундан тўрт йил муқаддам, аниқроғи, 2007 йилнинг 12 февралда Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида чорвачиликни ривожлантиришнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, наслчиликни тубдан яхшилаш, ветеренария ва зоотехника хизматининг замонавий тармоғини ташкил этиш, хусусан, ем-хашак, аввало омухта озуқа билан таъминлаш каби масалалар долзарб эканлигини таъкидлаб деган эди: «Гўшт-сут ишлаб чиқариш тармоғини ривожлантириш, замонавий технология билан жиҳозланган ихчам хусусий корхоналарни ташкил этиш, шу асосда харидоригр маҳсулотлар сифати ва турларини оширишга алоҳида эътибор бериш зарур».

Айни шу нуқтаи-назардан, аҳоли ва фермер хўжалиқлари чорва молларига озуқа ҳамда омухта ем маҳсулотлари етказиб бериб, эл-юртимиз ризку насибасига ўз улушларини қўшиб келатган тармоқ ривож жонкуяри — Қўшқўпир «Чорва-озуқа» МЧЖ жамоасига кириб келаётган янги — 2012 йилда ҳам катта ютуқлар тилаб қоламиз.

Ғулом ХИДИРОВ,
«Adolat» мухбири.

Мурувват

Меҳр-муҳаббат излаганларга меҳру оқибат кўрсатиш инсонпарвар жамиятимизнинг эзгу одат-фазилатларидир. Бундай муносабатни ижтимоий ғамхўрлик устувор бўлган мамлакатимизда ҳар кун кузатиш мумкин. Хусусан, «Адолат» СДПнинг Самарқанд вилоят Кенгаши вилоятдаги «Ногирон аёл» нодавлат уюшмаси билан биргаликда тадбир ўтказди. Партия фаоллари, депутатлари, шаҳардаги Ўлкашунослик — тарих музейида Самарқанддаги Меҳрибонлик уйларининг 100 нафардан ортиқ вакиллари учун байрам дастурхонини ёзиб, уларга эсдалик совғалари топширдилар. Истеъдодли санъаткорларни даврага бошлаб келиб, катта концерт намойиш этидилар. Партия вилоят Кенгашининг раиси Махмуд Бобоев тадбир иштирокчиларига жамиятимизда амалга оширилаётган ижтимоий ишхотларнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб берди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, партиянинг вилоят Кенгаши Самарқанддаги нодавлат ишхотрат ташкилотлари билан ҳамкорликда бундай самимий мулоқот ва уррашувларни байрамлар арасидагина эмас, йил давомида ўтказиб келмоқда. Ва, ҳар гал мурувватга, ёрдамга муҳтож кишиларнинг муаммоларини ҳал этишга хизмат қилмоқда.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ.

Маҳаллийлаштириш дастури — амалда

унинг иштирокчиларига имтиёзлар, преференциялар

Солиқ ва ҳаёт

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш бўйича лойиҳалар тайёрлаш ва уларни муваффақиятли амалга оширишнинг самарали механизми яратилди. Эътиборли жиҳати, бу лойиҳаларда иштирок этаётган корхоналар учун имтиёз ҳамда преференциялар тизими шаклланиб улгурди.

Шу боис, Тошкент шаҳар, Сергели туманида ҳам ички ишлаб чиқариш тобора кенгайиб, маҳаллий бозорларимиз истеъмол товарлари билан кун сайин кенгроқ таъминланмоқда ва кўплаб маҳсулотлар ҳатто хорижга экспорт қилинмоқда. Масалан, туманда биргина жорий йилнинг ўзида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури қамровида 9 та корхонанинг 17 та лойиҳалари юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда.

Шубҳасиз, бу далиллар давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг шу йил 29 июлдаги «2011-2013 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни янада маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарори ижроси йўлида қилинган астойдил сай-ҳаракатлар натижасидир. Қолаверса, туманда маҳаллийлаштириш дастурида иштирок этаётган ана шу корхоналар солиқ тўловларидан берилган имтиёзлар эвазига ўз иштироқларида мўмайгина қўшимча маблағ қолдиришга муваффақ бўлишди. Табиийки, бўшаган

маблағлар корхоналар ишлаб чиқариш қувватини янада кенгайтириш ва хомашё базасини мустаҳкамлашга сарфланиб, хўжалиқлар фаолияти самарадорлигининг ошишига имкон бермоқда.

Яна бир жиҳати: маҳаллийлаштириш дастури иштирокчилари бўлган туман корхоналари бугунги кунда молиявий барқарорлиқни сақлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, маҳсулот таннархини пасайтириш, корхоналар ўртасида кооперация алоқаларини ўрнатиш ва уларни кенгайтириш орқали янги тур маҳсулотлар ўзлаштиришга эришдилар. Бу эса, шубҳасиз, маҳаллийлаштириш дастури шарофати билан бугунги кунда уларга экспорттоб маҳсулотлар тайёрлашга кенг йўл очди.

Рустан ИНОЯТОВ,
Тошкент шаҳри Сергели туман ДСИ бўлими бошлиғи.

ADOLAT

ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ
ГАЗЕТА

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Тахрир хайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазонир ХУҶАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Раъшан ХАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан чинка бошлаган

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2041-5217

Тахрират маълуми: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. adolat_gazeta@mail.ru

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 1200. Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 3675. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 21.00

1 2 3 4 5



**“Фитч-рейтинг”
Халқаро агентлиги**

**“МИКРОКРЕДИТБАНК”
очиқ акциядорлик-тижорат
банки
эмитенти дефолтининг
узоқ муддатли рейтингини
қўллаб-қувватлаш
даражасини оширди
ва унинг фаолиятини
“БАРҚАРОР”
деб баҳолади.**

Хурматли юрtdошлар!

«Асака» банки (ОАЖ)



Сизларни кириб келаётган

2012 йил билан

**чин қалбдан табриклайди ва қуйидаги
янги маҳаллий валютадаги
муддатли омонат турини таклиф этади.**

«Янги йил 2012»

Сақланиш муддати — 15 ой,
ҳисобланган фоизлар
ойма-ой ёки омонат ёпилгандан
(15 ойдан сўнг) берилади.
Ушбу омонат турларини
банкнинг барча
филиалларида очиш мумкин.

**«Асака» банк (ОАЖ)
сармоянгизни сақланиши
ва кўпайишини
кафолатлайди.
Барча омонатларингиз
фуқароларнинг
банклардаги омонатларини
кафолатлаш фонди
томонидан кафолатланади.**

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- микдори чекланмаган!

**Мурожаат учун «Асака» банк (ОАЖ)
филиаллари телефонлари
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63**

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	8 371	120-39-13
Автотранспорт филиали	8 371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	8 371	140-39-36
Юнусов филиали	8 371	225-16-46
Сирғани филиали	8 371	253-67-49
Тошкент вилоят филиали	8 371	120-34-13
Андижон вилоят филиали	8 374	224-40-96
Асака филиали	8 374	233-13-69
Фарҳод филиали	8 374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	8 373	224-70-33
Марғилон филиали	8 373	237-12-37
Олмалик филиали	8 373	432-10-11
Қўқон филиали	8 373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	8 369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	8 436	223-54-32
Зарафшон филиали	8 436	573-13-73
Бухоро вилоят филиали	8 365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	8 365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	8 366	231-03-36
Афросиёб филиали	8 366	221-77-56
Кашқадарё вилоят филиали	8 375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	8 376	770-32-12
Қорақалпоғистон филиали	8 361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	8 362	226-97-73
Сирдарё вилоят филиали	8 367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	8 372	226-43-11

Хизматлар лицензияланган

«Навоий дори-дармон» ОАЖ жамоаси

*Барча юрtdошларимизни
«Мустаҳкам оила йили» деб эълон
қилинган*

2012

*йил билан
қизгин муборақбод этади!*

*Хонадонларинииз ҳаминша осойишта
ва файзли, осмонинииз мусаффо,
дастурхонларинииз шўкин ва
қут-баракати бўлишига шилакдошмииз.*



«ШҮҮРТАННЕФТГАЗ» унитар шўъба корхонаси жамоаси

*Сиз ватандошларимизни
яқинлашиб келаётган
янги ~ 2012 йил
байрами муносабати билан
самимий қутлайди.*

*Барга юрпидошларимизга
сизхат-саломатлик, оилаларига
хотиржамлик тилаймиз!*

*Янги йил дастурхонимизга
қут-барока, оиламизга
шоду-хуфрамлик, ишларимизга
омад олиб келсин!*



2012